



20 20 у « 12 » июнь

№ Қ-264

« ___ » _____ 20__ г

Термиз тумани “Янгиобод” маҳалласи худудидан “DRIVER’S VILLAGE” МChJга “Автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шахобчаси ва автосалон бинолари”ни куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/268-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 12 майдаги 207/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/268-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Янгиобод” массиви худудидан “DRIVER’S VILLAGE” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 125қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шахобчаси ва автосалон бинолари”ни куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “DRIVER’S VILLAGE” МChJ томонидан “Автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шахобчаси ва автосалон бинолари”ни куриш учун ажратилаётган жами 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 371 880 (ўн уч миллион уч юз етмиш бир минг саккиз юз саксон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминлансин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз туман ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов